



## Сени шубҳага солған нарсани қўйгин-да, шубҳалантирмайдиган нарсани ол. Содиқлик ҳотиржамлиқдир, ёлғон эса хавсирашликдир

Абул Ҳавроъ Саъдий айтадилар: «Ҳасан ибн Али разияллоҳу анҳумога:  
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан нимани ёдлаб олгансиз», - дедим».

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан мана бу сўзларни ёдлаб  
қолганман: «Сени шубҳага солған нарсани қўйгин-да, шубҳалантирмайдиган  
нарсани ол. Содиқлик ҳотиржамлиқдир, ёлғон эса хавсирашликдир.

[Тўғри матн]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳалол ёки ҳаромлиги аниқ бўлмаган шубҳали сўз  
ва амалларни тарқ қилиб ҳалоллигида шубҳа бўлмаган амалларни бажаришга  
буюрдилар. Шунда қалб хавсираш ва изтиробдан ҳоли ҳотиржам ва сокин бўлади.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/4564>

